

ЮРТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДАЙ АСРАЙЛИК!



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 10 август
пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 154 (2451)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАЎҚАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ЭНГ УЛУФ,
ЭНГ АЗИЗ
БАЙРАМИМИЗГА



22 кун
ҚОЛДИ!

ТАРАҚҚУС

• **АНДИЖОН**

«Андор» қўшма корхонаси байрамлар гултожи — Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги арафасида яна бир янгиликка қўл урди: Фарғона водийсида биринчи бўлиб лизинг шартномаси асосида «Узавто-саноат» компаниясидан 17 та «Мидибус» русумли «Otovol» автобусини сотиб олди.

Айни кунларда 17 та автобус, 6 та «Дамас», ўнта «Тико» аҳолига транспорт хизмати кўрсатаётир.

— Хусусий автокорхона бўлишимизга қарамай уруш қатнашчилари, ногиронларга имтиёзли хизмат кўрсатяпти, — дейди унинг раҳбари Шухратбек Мирзаев.

• **НАВОЙЙ**

Нурота тумани чорвадорлари мустақиллик туфайли яратилган шарт-шароитлардан гоёт миннатдор. 5 та олис қишлоқда замонавий врачлик пунктлари ишлаб турибди. Уларнинг 2 таси шу йилда фойдаланишга топширилди.

Биргина туғруқхона комплексига «Соғлом авлод йили»да 1200 минг АҚШ доллари миқдориде лаборатория жиҳозлари, ЭКГ, УЗИ учун 150 минг АҚШ доллари тенг асбоб-ускуналар олиб келинди. 9 та қишлоқдаги шифо шохобчалари ҳам замонавий тиббиёт жиҳозларига эга бўлди. «Тез ёрдам» бўлимига 5 та «Дамас» автомобили ажратилди.

• **ХОРАЗМ**

Урганч шаҳридаги қурилиш коллежи жамоаси қўшма байрамга бағишлаб, рангли плакатлар туркумини тайёрлади. Уларда республикада 9 йил ичида халқ ҳўжалигининг барча соҳа ва тармоқларида эришилган ютуқ ва муваффақиятлар кенг акс этган.

Шаҳардаги «Зодчий» кичик корхонаси босма хонаси бунда ўқув даргоҳига яқин мадаткор бўлди. Худди шундай ранг-баранг плакатлар туркуми Хоразм вилоятида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мавзусида ҳам тайёрланмоқда.

• **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН**

Нукус шаҳри марказида мустақиллик байрами арафасида анъанавий китоб бозори иш бошлади. Бу ерда харидорларга умумтаълим мактабларининг 2-11-синфлари ўқувчилари учун «Ўқитувчи», «Билим» нашриётлари томонидан чоп этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳавола қилинган.

• **НАМАНГАН**

Ҳамиджон Фозилов раҳбарлик қилаётган «Давр» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси яқиндаги на ишга туширган чинкиди пахта ни қайта ишлаш цехида тайёрланган маҳсулот — тикучликда фойдаланиладиган 4 тонна пахта ни Хитой Халқ Республикасига экспорт қилди.


Янги цех линта ва чинкиди толадан иккиламчи маҳсулот тайёрлашга ихтисослаштирилган. Унда 14 киши икки сменада меҳнат қилаётир.

• **ФАРҒОНА**

Байрам арафасида Фарғона вилоятида халқаро ҳаво линияси ишга тушди. Олис юрт Суриянинг Халаб шаҳридан кўтарилган замонавий аэробус турт соат ичида бир гуруҳ сайёҳларни водийнинг бош ҳаво бандаргоҳларидан бирига олиб келиб қўйди.

Ҳозирча Ил-86 аэробуси ойига бир марта Фарғона-Халаб йўналиши бўйича қатнаб туради. Кейинчалик Хитойнинг Урумчи ҳамда Бирлашган Араб Амирликларига ҳам йўналишлар очил режалаштириляпти.

ИЗЛАГАН ИМҚОН ТОПАДИ



«Пармалаш ишлари» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти Қашқадарё вилоятидаги ер ости бойликлари — газ ва нефт захираларини ишга туширишда ибратли ишларни амалга оширмоқда. Айни кунларда жамоа аъзолари вилоятдаги Шўртан, Аланг, Урта булок, Кемачи, Денгизкўл, Помук каби жойларда аниқланган газ ва нефт конларини қазिश ишлари билан машғул. Унда жамиятнинг 800 нафарга яқин ишчи-хизматчиси қатнашяпти.

Шунингдек, бу ерда пармалаш ишларида ишлатиладиган маҳсус аралашмаларни еростига юборадиган кучли мосламалар (насослар) қисмларини, гидравлик бошқарув пульти ускуналарини таъмирлаш ҳамда кучли босим ҳосил қилувчи компрессорлар ва пармалашда ишлатиладиган маҳсус оғир вазнли трубаларни тўлиқ таъмирлаш йўлга қўйилган. Айрим зарур эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Бу корхонага каттагина фойда келтиряётир.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг тажрибали чилангари Александр Останакулов; таъмирланаётган гидравлик бошқарув пултида иш қизғин.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

ЭНГ УЛУФ НЕЪМАТ

Ўткир **ХОШИМОВ**, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Она юртимиз Истиклолнинг 9 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Мустақиллик биз учун энг азиз, энг улук байрам. Аждодларимиз бу кунни асрлар мобайнида орзу қилган. Халқимизнинг энг асл фарзандлари шу йўлда қурбон бўлган.

Тарихан жуда қисқа муддат — 9 йил ичида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти орасида ўзининг нуносиб ўрнини топти. Дунёда Ўзбекистон деган гўзал мамлакатга ҳавас ва эҳтиром билан қарайдиган давлатлар кўп. Афсуски, юртимиздаги тинчлик ва бунёдкорликни, ҳар жаҳда ривож топаётганлигини кўролмайдиган ҳасадгўйлар ҳам йўқ эмас. Улар юртимизда осойишталик бузилишини, уруш-жанжал бўлишини хоҳлайдилар ва сувни лойқалатиб, балиқ овлашга, мамлакатимизда гиҳванлик моддалари олиб ўтиладиган «йўлак»

Огоҳликка даъват

очига уринадилар. Бу бориб турган қабиликдир. Ҳолбуки, муқаддас Қуръони каримда эл-улус орасига қутку солиш, беғуноҳ қон тўкиш энг дўзахий гуноҳ саналади. Бинобарин, бундай қулар муқаддас

данимизни ниқоб қилиб кирдиқорлар содир этиши икки хисса гуноҳдир.

Бизнинг ҳеч кимга ёмонлигимиз йўқ. Бироқ мудириш ниётида азиз туғруқимизга қадам босганларнинг қадимини тийиб қўйиш, огоҳ бўлиш ҳаммаимизнинг ва ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Уйини ўри босган одам қўшнисига йўғлаб чиқмайди, аввало, ўзини ўзи химоя қилади. Уғрига, ўзига яраша зарба беради.

Истиклол байрамимизга соя, юртимиздаги осойишта вазиятга раҳна солмоқчи бўлаётганлар чўчварани хом санабди. Биз Ўзбекистонни

ҳеч кимга оёқости қилдириб қўймаймиз. Турфа хил олчокларни қандай жазолашани ҳам яқши биламиз.

Салтанат СИДДИҚОВА, уй бекаси, 12 нафар фарзанднинг онаси:

— Оқшомлари телевизорда турли мамлакатларда бўлаётган урушларни кўриб, юрагим орқага тортиб кетади. Беихтиёр уйимизда бежавотир ўтирганимизга, кўчаларда бемалол юрганимизга, ҳар кун қозонимиз қайнаб турганимизга, фарзандларимиз илм ва касб-ҳунар ўрганаётганига беадад шукрлар қиламан. Афсуски, ана шу тинчликимиз кимларгадир ёқмайпти, шекилли. Улар қафасдан озод бўлган қўш, ўлса ҳам, қайтиб яна қафасга кирмаслигини унутиб қўйган кўринишади. Биз ўзимизнинг тинчликимизни жуда қадрлаймиз, болаларимизнинг бахтини тинчлик, осойишталикда кўраимиз.

«Халқ сўзи» мухбири Гўлчехра ЙўЛДОШЕВА ёзиб олди.

Шу азиз Ватан — барчамизники

ОЛТИН БЕШИК

Яқинда дам олаётган болаларимиздан хабар олгани Гагарин номли оромгоҳга бордим.

— Ая, бизнинг сайёрамиз (оромгоҳ фазогир номи билан аталган, гуруҳларга сайёралар нисбат берилган)нинг шиори (девич) нима биласизми? Халқ тўқиндир, халқ денгиздир, халқ кўчдир. — дея суюнчилади қизим. Мен дарров эрк ҳасратида адо бўлган Чўпоннинг сатрини янграбди сафга тизилётган болаларни кўз олдимга келтирдим. Қизимни бағримга босиб табрикладим. «Жаранглаб, жаранглаб ай! Бурчмуло тоғлари акс-садо берсин! Токи узок-узокдагилар ҳам бизнинг қорақўларимиз тилига қитоблардан, иморатлар пештоқидан эрк сатрларни кўчиб ўтаётганини билсин!» — дедим.

Ёнбошимда ҳадеб бола-санми нима ёб, нима ичганини сураб-суриштираётган сулув жувон менинг бола-

ларим билан мулоқотимга ажабланиб қаради. Бу ажабланиш менга малол келди. Аммо боғи ҳўшбардан юрагимга кўчган севинч бу малолни ҳам ювди. Ахир, болаларим менга ошқонадаги ё чўмилиш ҳовузидеги янгиликки эмас, ўз ширларининг ўзбекача айланганини биринчи бўлиб дараклашди. Демак, улар учун шу янгилик муҳимроқ.

— Аммо қайтшида мошининг қия очик деразасидан содик аскарлариди бир-бирига елка тираб турган чўққиларга қараб келарканман яна боғи жувоннинг нигоҳи кўз олдимга келди. Уни айбламоқчи эмасман. Негадир биз ватанпарварлик, Озодик қадри, отамерос тупрўққа меҳр каби муқаддас тушунчаларни фарзандларимиз қалбига синдиришни оиламизда эмас, дарвозамиздан ташқариде бўлиш керак жараёндай қабул қилишга одатланганимиз. Ишдан қайтган аксарият оталар (хатто кун бўйи минбарларда

мустақиллик қадри, унга муҳаббат ҳақида нутқ сузласа ҳам) уйда хотини ё қизи жамиятга оид нимадир сўраса:

— Э, политикангни кўй! Ўзимнинг бошим оғриб турибди: Мошқўрдани суз! — дейиши сир эмас. Бу гап оилада шўнчада исзис ўтиб кетмайди. Боланинг кўнгидаги тоза туйғуларга дарз тушади. Эндигина кўнгида уйғонаётган хали исмини ўзи ҳам билмаган хиссиётларга шўбча билан қарайди. Дадамки шунақа деди... деб ўйлай бошлайди.

Болалар учун катталар ибрат. «Биз унча яқши эмасмик, сўяғимиз мустабид тузум даврида қотган, кўрқоқмик! Сизлар жасоратли бўлинглар!» дея тақрорлаганимиз бекоқ, ўзимиз шаҳиди, жасоратли бўлмаганимизча улар ҳам ўзимизга ўхшаб сал шарпадан ҳадиксираб тураверишади.

(Давоми 2-бетда).

УЗУН. (ЎЗА мухбири М.Намозов ва Ч.Тўхтаев хабар қилади).

Сурхондарё вилоятининг Сарисоиб ва Узун туманларидаги баланд тоғ қишлоқларида Тожикистон орқали суқилиб кирмоқчи бўлган террорчилар гуруҳларини тугатиш борасида ишлар режа бўйича дарвоим кимсасиз тоғ дараларидан бирида қуршаб олинган. Уларнинг Тожикистон Республикасига ўтиб кетиш йўллари тўсиб қўйилган.

Жангариларнинг радиолокация воситаларини кузатиб турган хизматчиларнинг таъкидлашича, тўқнашуларда ўн бешга яқин террорчи йўқ қилинган.

Террорчиларни бир ҳамлада ҳам йўқ қилишимиз мумкин, дейишди бизга ҳарбийлар. Лекин бунинг учун ўзимиздан ҳам қурбон бе-

Террорчилар ниятига етолмайди

ришга тўғри келар эди. Аскарлар ҳаётини хавф остига қўйишни истамаётган командирлар душманнинг аниқланган позицияларига қарата миномётлар ва вертолётлардан ўқ ёғдириш йўлини тутмоқда. Бу эса аскарлар

ишончли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, мазукур босқинчи гуруҳлар сафида ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманида юз берган қонли воқеаларда бевосита иштирок этган террорчилар ҳам бор. Жан-

гариларнинг айримлари ўзаро хоржий тилларда сўзлашаётгани чегара худудидаги тоғларда халқро террорчилар гуруҳи жойлашиб олганидан далолат беради.

Жангариларнинг Ўзбекистон сари Ўзвона юришдан бош мақсади — наркотик моддалар ва қурол-яроғ транзитини йўлга қўйиш. Улар ўзларидан барча кирдиқорлар

рини ҳар хил сиёсий широру талаблар билан ниқоблашга уриниши мумкин. Лекин террорчиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш ва радио сўзлашувларини тахлил қилиш уларда ҳеч бир сиёсий маслак йўқлигиндан дарак бермоқда.

Жангарилар ўрнашиб олган худудларга яқин бўлган Киштут, Сарисоива, Регистон, Кунтурмас, Ҳамидарча каби кичик тоғ қишлоқларида истикомат қилаётган аҳоли бежавотир жойларга кўчирилди. Уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу воқеалардан Сарисоиб ва Узун туманлари, умуман Сурхондарё вилояти аҳолиси ховотиру тахликага тушгани йўқ, кундалик осойишта меҳнат билан банд. Воҳада ҳаёт аввалгидек маромида давом этмоқда.

Жиззах туманидаги янгиқилиқлик тадбиркор Маматкул хожи Эрнзоров ўз маблагини ҳисобига Мустақилликнинг 9 йиллиги шарафига «Туркистон» маҳалла гузарни таъаботхонани қуриб битказди.

Хайри ишнинг ҳосияти кўп

Гузарда ўнта маданий маиший ва савдо шохобчаси фаолият кўрсатади. Бу ерда таъкил этилган бичиш-тиқиш цехида тез кунларда ўн нафар қиз қадимий ва энг нозик касб сирларини урганиб, маҳалладошларига хизмат кўрсата бошлайдилар.

Таъаботхонада даволаш замонавий ҳамда халқ таъаботи усуллариде олиб борилди. Гиёҳлардан кенг фойдаланилади. Ўзбекистон таъабот маркази аъзо-си Р. Эрнзорова раҳбарлигидаги таъабот гузарига 50-60 кишига хизмат кўрсатиши мумкин.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Корея ярим оролида диққатга сазовор воқеа юз берди. Шимол ва Жануб томони уруш туфайли бўлиниб кетган оилаларнинг дастлабки рўйхатини бир-бирига тақдим этди. 50 йил айрилиқда яшаган қариндош-уруғлар бир-бирларидан билан дийдор кўришди. Бу шу йилнинг июн ойида Пхеньянда Жанубий Корея президенти Ким Дэ Чжун билан КХДР раҳбари Ким Чен Ир ўртасида бўлиб ўтган олиё даражадаги учрашувнинг илк меваси бўлди, дейиш мумкин.

Россия пойтахтининг Пушкин майдонидаги ерости ўтиш йўлида кучли портлаш юз берди. Оқибатда 7 киши ҳалок бўлди, юздан ортқ киши жароқатланди.

Сўнгги хабарларга кўра, ушбу жиноятга алоқдорликда гуноҳ қилинган икки киши қўлга олинган.

Қозғоистон ҳукумати фан ва таълим тизмининг яқин ривожланиши учун республикадаги барча ўқув юрталарини, жумладан, одамларга бирор фан ё ҳунар ўргатиш билан машғул бўлган ташиқлот ва уюшмаларни солиқдан озод қилишга қарор қилди.

Чили президенти Рикардо Лагос мамлакат халқига муражват қилиб, Олий суднинг генерал Августо Пиночетдан ҳалқисизлик макомини олиш ҳақидаги қарорига ҳурмат билан муносабатда бўлишни сўради. Р.Лагоснинг айтишича, айни пайтда бутун дунёнинг назари Чилига қаратилган. Бундай шароитда турли талотўплар уюштириш мамлакат шаънини ерга уради.

Грузия ҳуқуқ-тартибот органлари Халқаро қизил хоҳ кўмитаси Грузия бўлимининг яқинда Панкис дарасида ўғирлаб кетилган уч нафар ходими ҳаёт эканини билди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мамлакат Ички ишлар вазирлиги ва прокуратурасидеги манбаларга тавбибу ҳақда хабар тарқатди.

Исроил полицияси мамлакатнинг янги сайланган президенти Моше Кацавини уқаси, Кирият-Малахи шаҳри марзи Лиор Кацавини толамлачиларга айбонмоқда. Полиция маълумотларига қараганда, у 1998 йили Кирият-Малахи марлига бўлиб ўтган сайлов чоғида икки муҳофизатчи шаҳар маъмуриятдан юксак лавозим беришни ваъда қилиб, ўзига егдириб олган.

Туркманистонда автомобилларнинг қатта тезликда ҳаракатланишига мўлжалланган маҳсус йўллар қуриладиган бўлди. Уzunлиги 600 километр, эни 12,5 метрга тенг бўлган «Ашхобод-Туркманобод-Мари» йўналишидаги йўл қурилиш лойиҳасининг умумий қиймати 87 миллион АҚШ долларига тенг.

Жаҳон соат ичида

Грузия ҳуқуқ-тартибот органлари Халқаро қизил хоҳ кўмитаси Грузия бўлимининг яқинда Панкис дарасида ўғирлаб кетилган уч нафар ходими ҳаёт эканини билди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мамлакат Ички ишлар вазирлиги ва прокуратурасидеги манбаларга тавбибу ҳақда хабар тарқатди.


Шу йилнинг сентябр ойида Бухорода улуғ олим Абу Али Ибн Сино таваллудининг 1020 йиллигига бағишлаб «Ибн Сино ўқишлари» халқаро анжумани ўтказилади.

КОМУСИЙ ОЛИМ МЕРОСИГА ҚИЗИҚИШ

Заминимизда бутун оламга донг таратган кўпгина буюк шайхлар яшаб ўтишган. Маълум фан бўйича эмас, балки турли соҳаларда комусий билимга эга бўлган Абу Али Ибн Сино шундай зотлардан биридир. Комусий билими аждодимиз 450 та асар ёзган, шулардан 240 таси ҳозирги кунгача етиб келган.

Ҳамадондаги олим сағанасига ўрнатилган 12 та устун рамзий маънода бўлиб, бу буюк аллома фаннинг 12 та йўналиши бўйича излашлар олиб борганини билдиради. Жумладан, олим асарларининг 150 таси фалсафага, 40 таси тиббиётга, қолган 50 таси бошқа фан соҳаларига тааллуқлидир. «Тиб қонунлари» олим илмий меросининг гултожи ҳисобланади. 1012-1023 йилларда яратилган бу асар қарийб олти юз йил давомида Европа ва Шарқ мамлакатлари тиббиёт ходимларининг асосий дастуриламали бўлиб келмоқда. Афсоналик улуғ аждодимизнинг илмий меросини чуқур ўрганиш, даволаш-ташхис қўйиш борасида Ибн Сино усуллари амалиётда қўллаш борасида шу кунларда мамлакатимиздаги тиббиёт институтларида олимпиадалар ўтказилмоқда. Олимпиада голиблари Бухорода ўтказилган «Ибн Сино ўқишлари» халқаро анжуманида иштирок этадилар.


«Туркистон-пресс».



«Энг улуғ, энг азиз»



танловига




ЧИЛЛА ЧИҚДИ, ИССИҚ ТУШМАДИ

Савр кетди, саратон кетди,
Чилла айтиб бўлди сўзини.
Бироқ, дўстлар, юртим ҳуснидан
Кўёш узуси йўқ кўзини.

Чунки бундан жаннат уфургай,
Гар саратон тафтига шайдо.
Фавворалар қошида эса
Жунжикади ёз кунни жавзо!

Мана тафти кўчалар узра —
Ҳар йўловчи бир соя излар
Ажаб, бошингиздан дурлар сочилар
Фаввора остида ўтирган қизлар...

Юсуфжон ҲАМИДОВ,
Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.



**Кўргазма
БЎЁҚЛАРДА ДАВР ЖИЛОСИ**

Самарқанддаги Ўзбекистон адабиёти ва санъати тарихи музейида мустақилликнинг тўққиз йиллигига бағишланган расмлар кўргазмаси очилди. Таниқли мусаввир Рўзи Чориев ҳамкасблари, шогирдларининг ишларини юксак баҳолади. Кўргазмага қўйилган 250 дан ортиқ санъат асарининг ҳар биридан томошабин маънавий завоқ олади. Жавлон Умарбеков, Нуриддин Калонов, Зинаида Ковалевская, Абдуманнон Темуров каби му-

саввирлар ижодига мансуб асарларда истиқлол, она-юрт, бахту гўзаллик улуғланган. Шунингдек, кўргазмада «Атом бомбаси ва инсоният» деб номланган бўлим ҳам ташкил этилган. Нағасаки ва Хиросима шаҳарларидаги муҳим воқеанинг 55 йиллиги муносабати билан кунчиқар юртдан келтирилган суратлар ва расмлар ана шу бўлимдан ўрин олган.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пиру бадавлатларимиз


**108 ЁШЛИ
ОНАХОН**

Хартум қишлоғининг «Оққори» маҳалласида энг кекса, табаррук Сотқинбу она Каримова яшади. Бутун умри далада ўтган, пиллакорлик билан шуғулланган, онахоннинг тўрт ўғил, бир қизи бор. Улар ҳам Андижон туманида ишлашади. Бир меҳанизатор, бири пиллакор дегандек. Юзга яқин невара, чевара, эвара ва келинлари доим кампирнинг атрофида парвона. Ушандан-да онахон ҳали тетик.

— Хар ҳафтада бир маротаба барча неварачеваралар келиб зиёрат қилиб кетишади, байрамларда уйимга меҳмон тўлиб, тўй бўлиб кетади, — дейди ая шодланиб.

Нимаям дердик. Бахтимизга улуғ ёшдаги — асрдан асрга ошган пиру бадавлатларимиз омон бўлсин.

Ж.ТУРДИЕВ.



Ўзбекистон Республикаси
Мустақилликнинг тўққиз йиллиги
муносабати билан

**"Халқ сўзи" ва
"Народное слово"**

газеталари таҳририятлари
қўшма корхоналардан
байрам табрикларини
чоп этиш учун тақлифларни
қабул қилади.

Булартаъдир шу йилнинг
25 августгача қабул қилинади.

136-09-25, 132-10-63.

Бокс

**МАҲАЛЛАДА ХАЛҚАРО
МУСОБАҚАЛАР**

Жиззахлик таниқли педагог, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Азимжон Бадалов хотирасига бағишлаб ўтказилган бокс бўйича II Халқаро турнир келгусида бу муسابақаларнинг анъанавий тус олишидан далолатдир. Равалиқ маҳалла гузарига салкам бир ҳафта давом этган турнирда республика вилоятларида ташқари Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон ҳамда Тожикистон боксчилари ҳам иштирок этишди. Беллашуларда Венгрияда бўлаётган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўраётган республикамиз ёшлар терма командасининг иштирок этиши муسابақаларга алоҳида жўшқинлик бағишлади.

1982-83 ҳамда 1984-85 йилларда тугилган усмирлар

ўртасидаги бокс муسابақаларининг финал босқичи кутилгандан ҳам қизиқари бўлди. Жами 26 нафар финалчининг 14 нафари майдон эгалари эди. Шу боис гузардаги ишқибозлар сони жуда кўп бўлди.

Яқиний натижаларга кўра 1982-83 йилларда тугилган 48 килограмм вази тоифасидаги боксчилар ўртасида самарқандлик М.Садриддинов, 52 килограммилардан А.Норматов (Жиззах тумани), О.Сидов (Тошкент), Ш.Шарипов (Жиззах), Р.Раҳматов (Бухоро), У.Равшанов (Жиззах), Ш.Рўзи-

метовлар (Хоразм) ўз вази тоифалари бўйича халқаро турнир голиблари бўлишди. 1984-85 йилларда тугилган боксчилар муسابақаларида эса А.Норматов (Жиззах тумани), Ш.Назаров (Самарқанд), У.Саитов ва Д.Қўзибоевлар (ҳар иккаласи Жиззахдан) шайнига Давлатимиз маҳдиси янгради. Голибларга турнир ташкилотчилари ҳамда Бадаловлар оиласининг эсдалик совгалари топширилди. Меҳмонлар турнирнинг юқори савияда уюштирилганлигини таъкидлашди.

С. БАХРИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
МУАССАСА, ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ!**

Шу йилнинг 10 августидан 10 сентябрга қадар Республикаимизда Фуқаро муҳофазаси ойлги ўтказилади. Фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, фуқаро муҳофазаси йўналишида Республика аҳолисига уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳавфсизлик қоидаларини ўргатиб бориш, махсус ва ҳарбийлаштирилмаган фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш борасидаги тайёргарлигини ошириш ойлликнинг асосий мақсадидир.

Азиз юртдошлар! Фуқаро муҳофазаси ойлгида фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси Минерал ресурслар илмий текшириш институти раҳбарияти ва касба уюшмаси Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, хизмат кўрсатган геолог, геология ва минералогия фанлари доктори, профессор Курбонали БОБОВЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.	Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси Мевачилик ва узумчилик кафедрасининг профессори, бодзорчилик ва узумчилик илмий ишлаб чиқариш бirlашмасининг бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Меҳнат Қаҳрамони, академик Маҳмуд МИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.
Тошкент Молия институти ректорати ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамоат қурилиш академияси «Молия, кредит ва валюта муносабатлари» кафедраси муdiri, профессор Тоҳир Малиқовга ўли	Тошкент Молия институти ректорати ва жамоат ташкилотлари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Меҳнат иқтисоди ва социологияси» кафедраси муdiri, профессор Қаландар Абдурахмоновга онаси УҒИЛОЙ аянинг вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Шредер номи мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бirlашмасининг бош директори, академик Маҳмуд МИРЗАЕВнинг вафоти этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.	Тошкент вилояти консалтинг, аудитор ва акборот хизмати маркази жамоаси марказ раҳбари Нўмонжон Иброҳимовга акиси МУХТОРЖОН хожиининг вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА
ЛОЙИҲА-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР**

ДИҚҚАТИГА!

Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш Наманган вилоят филиали лойиҳалаш ишларини тайёрлаш муддатини қисқартириш, сифатини яхшилаш ва қийматини пасаитириш мақсадида 2001 йилда Наманган вилоятида давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан қайта таъмирланиши режалаштирилган касб-ҳунар коллежлари иншоотларига

ЛОЙИҲАЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

**ТЕНДЕР
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Тендер савдолари очик савдо бўлиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар «Давархитектқурилиш» кўмитасининг махсус рухсатномаси (лицензия)га шу йўналиш бўйича эга бўлган лойиҳа ишларини олиб борувчи барча лойиҳа институтлари ва фирмалар иштирок этишлари мумкин.

№	ИНШООТ НОМИ, МАНЗИЛИ	Қуввати Ўқув/ётоқ
1	Қишлоқ ва ўрмон хўжалик коллежи-Уйчи 12- касб-хунар мактаби базасида	600/100
2	Қишлоқ ва ўрмон хўжалик коллежи-Тўрақўрган 11- касб-хунар мактаби базасида	600/200
3	Қурилиш ва коммунал хўжалик коллежи- Уйчи политехникуми базасида	600/250
4	Тиббиёт коллежи-Косонсой тиббиёт билим юрти базасида	600/400
5	Тиббиёт коллежи-Чуст тиббиёт билим юрти базасида	600/200
6	Саноат, транспорт, алоқа коллежи-Учқўрган касб-хунар лицейи базасида	600/200
7	Маориф, ижтимоий иқтисод коллежи-Мингбулоқ қурилиши тугалланмаган билим юрти базасида	750/400
8	Тиббиёт коллежи-Норин қурилиши тугалланмаган иншоот базасида	300/150
9	Тиббиёт коллежи-Чортоқ тиббиёт билим юрти базасида	600/400
10	Қурилиш ва коммунал хўжалик коллежи-Чортоқ 18- касб-хунар мактаб базасида	600/200
11	Қишлоқ ва ўрмон хўжалик коллежи-Чуст 2- касб-хунар мактаби базасида	750/300
12	Педагогика коллежи-Наманган шаҳри педагогика билим юрти базасида	600/400
13	Иқтисод ва тадбиркорлик коллежи-Наманган шаҳри тадбиркорлик коллежи базасида	900/800

Буюртмачи: Наманган вилоят ҳокимлиги
капитал қурилиш бошқармаси

Объектларни тендер ҳужжатларини олиш учун Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш Наманган вилоят филиалига эълон чоп этилган кундан бошлаб 15 кун ичида мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилгоҳ: Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қavat)
телефон/факс: 8 36922 6-14-50

**«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАРҲОДИЙ,
- И. ХУДОЁЕВОВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сўғий ҳаёт — 133-57-34;
- Хўқ — 136-07-94;
- Иқтисодий — 136-36-65;
- 132-10-65;
- Маънавий ва маърифат — 136-35-60;
- Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
- Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ж. САЪДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — М. ОЛМАТОВА.
Мусаҳҳих — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қозғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилди — 21.30
1 2 3 4 5 6